

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ**

Аликулова Азиза Нурхаетовна

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Мустақил изланувчиси, Тошкент
Ўзбекистон.*

Email: ORCID:0000-0001-8149-9875

**FOREIGN EXPERIENCES IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF INCOME
AND COSTS OF COMMERCIAL BANKS**

Alikulova Aziza Nurkhayotovna

independent researcher of

Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan

ORCID:0000-0001-8149-9875

Аннотация: Ушбу илмий мақолада тижорат банклари фаолиятида даромадлар ва харажатлар самарадорлигини ошириш масалалари хорижий тажрибалар асосида ўрганилган. Муаллиф банклар молиявий барқарорлиги ва даромадлилигига таъсир этувчи омилларни танқидий таҳлил қилиб, ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган замонавий молиявий менежмент воситалари ва харажатларни оптималлаштириш стратегияларини ўрганган.

Мақолада хорижий банк амалиётида даромадлар манбаларини диверсификация қилиш, фаол ва нофаол операциялардан олинadиган фойдани мувозанатлаш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш орқали харажатларни камайтириш ва операцион самарадорликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган механизмлар таҳлил қилинади. Хусусан, финтех ечимлар, автоматлаштирилган риск- менежмент тизимлари, аутсорсинг хизматлардан фойдаланиш ва электрон тўлов тизимларининг даромадлар ва харажатларга таъсири алоҳида ўрганилган.

Шунингдек, мақолада ҳар бир давлатнинг институционал муҳити, тартибга солиш сиёсатлари ва банк тизимининг тузилиши самарадорликни оширишда қандай роль ўйнаши аниқланган. Муаллиф хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон тижорат банклари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиб, уларни миллий банк тизими шароитига мослаштириш механизмларини таклиф этган.

Ушбу тадқиқот натижалари банклар томонидан молиявий менежментни такомиллаштириш, харажатларини оптималлаштириш, даромад манбаларини кенгайтириш ва умумий самарадорликни ошириш учун илмий-назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Abstract: In this scientific article, the issues of increasing the efficiency of income and expenses in the activity of commercial banks are studied on the basis of foreign experiences. The author critically analyzed the factors affecting the financial stability and profitability of

banks, studied modern financial management tools and cost optimization strategies used in developed countries.

The article analyzes the mechanisms developed in the practice of foreign banking to diversify sources of income, balance profits from active and inactive operations, reduce costs and increase operational efficiency through the effective use of digital technologies. In particular, fintech solutions, automated risk management systems, the use of outsourcing services, and the impact of electronic payment systems on revenues and expenses were studied separately.

The article also identifies how each country's institutional environment, regulatory policies, and structure of the banking system play a role in improving efficiency. The author, by analyzing foreign experience, developed practical recommendations for Uzbek commercial banks and proposed mechanisms for adapting them to the conditions of the national banking system. The results of this study serve as a scientific, theoretical and practical basis for banks to improve financial management, optimize their costs, expand sources of income, and increase overall efficiency.

Калит сўзлар: банк даромадлари, банк харажатлари, активлар, тижорат банклари, кредит, хорижий банклар, активлар риск даражаси.

Key words: bank income, bank expenses, assets, commercial banks, credit, foreign banks, asset risk level.

Жаҳонда тижорат банкларининг реал секторга йўналтирилаётган кредитлар миқдорининг ошиши, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва фойдасининг ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади. Дунёда рўй бераётган пандемия, иқлим ўзгариши, молиявий-иқтисодий беқарорликлар, банклар кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг ортиши каби қатор ҳолатлар тижорат банклари активларидан самарали фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада пасайтирмоқда. Жумладан, муаммоли кредитлар «2023 йилда жаҳоннинг 12 мамлакатада ушбу даража 10 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этиб, Сан Маринада 63,51 фоиз, Украинада 41 фоиз,

Гресияда 26,98 фоиз, Қирғизистонда 10,09 фоиз бўлган»¹. Мазкур ҳолат мавзу бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Жаҳонда банкларнинг активлари самарадорлиги ва сифатига баҳо беришда қатор мезонлар жорий этилган, шу билан бирга тижорат банкларида активлар ҳамда капитал рентабеллигини ошириш, стресс-тестлаш, активлар билан боғлиқ рискларни камайтиришга қаратилган илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари активлари сифатини яхшилаш, даромадлилик даражасини ошириш, кредит портфелини диверсификациялаш каби масалалар бўйича ижобий натижаларга эришилган. Лекин, замонавий шароитда тижорат банклари активлар самарадорлигини ошириш бўйича ўзига хос хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган, буларнинг барчаси тижоратбанкларида молиявий

инструментлар ва кутилмаган рискларнинг таъсири билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни талаб этади.

Материал ва метод

Банк даромадлари ва харажатлари, шунингдек, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни ҳисобга олиш бўйича изланишлар олиб борган хорижий олимлардан, шунингдек МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Л.Батракова, Г.Белоглазова, Ю.Вешкин, О.Ефимова, Е.Козлова, Г.Коробова, О.Лаврушина, Д.Мак Нотон, И.Пещанская, Я.Соколов, Ф.Стивен, А.Шереметларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисоби масалалари мавзуси бўйича ўзбек иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларидан Ф.Абдувахидов, Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, А.Вахабов, К.Джураев, А.Ибрагимов, Ё.Маҳмудалиева, И.Муругова, К.Наврузова, С.Норқобилов,

Хорижий банкларда даромадлар ва харажатларнинг самарадорлигини оширишда асосий эътибор банк баланси активлари таркибида рискка тортилган активлар улушининг ҳажмини оширишга қаратилади. Чунки, банкларнинг рискка тортилган активлари банк учун турли даражадаги йўқотиш хавфи билан боғлиқ бўлсада, банкларга юқори миқдорда даромад олиш имокниятини беради. Банкнинг рискка тортилган активлар таркибига қисқа ва узоқ муддатга берилган кредитлар, давлатнинг ва компанияларнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларни, шунингдек, факторинг, тарст, форфейтинг, лизинг ва кредит-ижара операцияларини киритиш мумкин.

Хорижий банкларда ушбу активлар риск даражасига қараб турли тоифаларга бўлинади, таъкидлаш жоизки, банк активларининг риск даражаси қанчалик юқори бўлса, улар бўйича олинadиган даромадлар миқдори ҳам шу даражада юқори бўлади. Уларнинг самарадорлигини белгиловчи турлича мезонлар қўлланилади. Қуйидаги расмда хорижий мамлакатлар активлари самарадорлигини белгиловчи асосий мезонлари келтирилган.



1- расм. Хорижий банкларда даромадлар ва харажатлар самарадорлигини белгиловчи мезонлар³

1- расмда ривожланган хорижий банкларда даромадлар ва харажатларнинг самарадорлигига баҳо беришда қўлланиладиган асосий мезонлар келтирилган. Расмдан банк активлари самарадорлигини белгилашда асосий эътибор активларнинг фойдалилиги коэффициентига қаратилган ва ушбу коэффициент муҳим мезонлардан бири эканлиги кўриниб турибди. Ушбу коэффициент банк активларининг даромадлилик даражасини, яъни банк активларининг қанда қисми даромад келтирилиши аниқланади.

Маълумки, тижорат банклари ресурслари таркибида жалб қилинган маблағларнинг аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Банклар томонидан жалб этилган маблағларнинг қандай қисми актив операцияларга, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, рискли активларга жойлаштирилганлиги муҳим ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида жалб қилинган муддатли депозитларнинг 75 фоиздан юқори қисми кредитларга жойлаштирилган бўлса, бу банк томонидан агрессив кредит сиёсати амалга оширилаётганлигидан далолат беради, агар ушбу кўрсаткич 65 фоиздан паст бўлса банкнинг мўтаъдил кредит сиёсати амалга ошираётганлигини англатади.

Банкларнинг асосий актив операцияларидан бири қимматли қоғозларга қилган инвестициялари ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг фойдалилик даражаси билан бирга, уларнинг ликвидлилик даражаси ҳам эътиборга олинади. Агар банкнинг қимматли қоғозларга қилган инвестициялари таркибида давлат қимматли қоғозларининг улуши юқори бўлса, банкнинг молиявий ҳолати ва даромадлилик даражаси барқарор эканлигидан далолат беради. Шунингдек, қимматли қоғозларга қилинган

инвестицияларни муддатлар бўйича диверсификация қилиниши банкнинг жорий молиявий ҳолатига баҳо бериш имконияти пайдо бўлади, бунда банк томонидан қилинган қимматли қоғозлар эмитентлари молиявий барқарорлигини ўзгариши жиҳатидан баҳо бериш мумкин бўлади.

Халқаро банк амалиётида активларнинг тармоқлар

бўйича классификацияланиши ҳам муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланиб, активларни самарадорлигини аниқлашда бу кўрсаткичга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун жами берилган кредитларнинг қандай улуши қайси тармоқларга тўғри келишига эътибор қаратилади. Ушбу кўрсаткичлар орқали нафақат банкнинг активлари самарадорлигини баҳолаш, балки риск даражаси бўйича кредит сиёсатига, шунингдек, қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги бўйича ликвидлилиги ва рентабеллигига баҳо берилади.

Банкнинг рискли активлари муддатлар бўйича жойлаштирилиши ҳам активлар самарадорлигига бевосита таъсир қиладиган омиллардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, хорижий банкларда рискли активларнинг қандай улуши узоқ муддатли активларга, қандай қисми қисқа муддатли активларга жойлаштирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

5-Iyun, 2025-yil

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, хорижий банклар амалиётида банк активлари самарадорлигини аниқлаш микродаражада ва макродаражада амалга оширилади. Банк активлари самарадорлиги микродаражада аниқлаш банкларнинг акциядорлари, омонатчилари ва инвесторлари манфаати учун хизмат қилади.

Қуйидаги жадвалда Хитойнинг йирик тижорат банкди ҳисобланган Саноат ва тижорат банки активлари даромадлилик даражасини кўриб чиқамиз.

1- жадвал Хитойнинг Саноат ва тижорат банки активлари таркиби, улуши ва динамикаси ,

(1 январ ҳолатига, фоиз ҳисобида улуши)

Баланс моддалари	201 9 й.	202 0 й.	202 1 й.	202 2 й.	2023 й.
Кредитлар (4,45%)	57,7	56,7	56,2	56,7	57,7
Инвестиция (3,6%)	17	18	17,5	18	16,5
Марказий банкка талаблар (1,55%)	12,4	12	11	13,4	10,2
Бошқа банкларга талаблар (3,12%)	7	6,5	7,4	5,1	7
Даромадли активлар жами	94,1	93,2	92,1	93,2	91,4
Даромадсиз активлар жами	7,2	8,3	9,5	8,1	10,2
Эҳтимолий йўқотишларга захира	-1,3	-1,5	-1,6	-1,3	-1,6
Жами активлар	100	100	100	100	100

1- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Хитойнинг Саноат ва тижорат банки активларини даромад олиш нуқтаи назардан ҳам ликвидлилик нуқтаи назардан ҳам ўта самарали жойлаштирилган дейишимиз мумкин. Чунки, таҳлил этилаётган давр мобайнида рискли активлар ҳисобланган кредитларга йўналтирилган активларнинг ўртача улуши

57 фоизни ташкил этмоқда, бундан ташқари банкнинг инвестицияларга йўналтирган маблағларининг ўртача улуши 2019-2023 йиллар 1 январ ҳолатига 17,4 фоиздан иборат бўлган. Ушбу ҳолат банкнинг барқарор даромад олиш имкониятини бериш билан бирга банкнинг ликвид маблағларга эҳтиёжи юқори бўлганда қоплаш имкониятини беради, чунки инвестициялар таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар бозорида тез сотилиши натижасида осонлик билан пул маблағларига айлантирилиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда Россиянинг йирик банки ҳисобланган Сбербанкнинг активлари таркиби ва улуши ҳақида 2019- 2023 йиллар 1 январ ҳолатига маълумотлар келтирилган. Таъкидлаш жоизки, Россия Сбербанки мамлакатдаги йирик банк ҳисобланиб 51 фоиз акциялари давлат ҳисобига тўғри келади. Унинг мамлакат банк хизматлари бозоридаги улуши 2023 йил 1 январ ҳолатига копоратив кредитлар

5-Iyun, 2025-yil

бўйича 31,9%, чакана кредитлар бўйича 42,6 ва депозитларни жалб қилиш бўйича 45,2 фоизни ташкил этади, банк 102,3 млндан ортиқроқ жисмоний ва 3 млндан ортиқ корпоратив мижозларига эгадир⁴.

2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, банкнинг активлари таркибида асосий даромад келтирдиган активлари кредитлар ва инвестициялар бўлиб, уларнинг ўртача улуши 2019-2029 йиллар 1 январ ҳолатига, мос равишда 65,8 ва 12,34 фоизни ташкил этган.

Россия Сбербанкнинг консолидациялашган баланс ҳисоботи⁵

(1 январ ҳолатига, фоиз ҳисобида улуши)

Баланс моддалари	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Пул маблағлари ва эквиваленти	8,5	6,7	7	8,5	6,5
МБ мажбурий захира	1,6	0,7	0,8	1,2	0,9
МБ маблағлар	4,9	4,6	3,6	4,6	5,2
Кредитлар	68,2	62,8	68	64	66
Қимматли қоғозлар	11,2	11	14	12	13,5
Молия инструментлар, РЕПО	1	1	0,6	0,9	0,8
Молия инструментларга (ҳосилавий) талаблар	0,5	0,6	0,6	1	0,9
Кечиктирилган солиқлар	0,1	0,1	0	0	0
Асосий воситалар	1,9	1,9	2,3	3,8	3,2
Сотишга мўлжалланган активлар	0	8,2	0	0	0
Бошқа активлар	2,1	2,5	3	4	3
Жами активлари	100	100,1	99,9	100	100

Айтиш мумкинки, банкнинг активлари даромад келтириш ва ликвидлилик нуқтаи назаридан ўта самарали жойлаштирилган бўлиб, бу унинг молиявий барқрорлигини таъминлаш билан бирга мижозлар олдидаги мажбуриятларни ҳам тўлиқ ва тўхтовсиз бажариш имкониятини беради.

Маълумки, тижорат банклари томонидан аҳолига истеъмол кредитлари берганда мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача иш ҳақи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Чунки аҳоли банклардан истеъмол кредити сифатида олган кредитларни қайтаришда уларнинг иш ҳақи етарлилиги эътиборга олади. Шу нуқтаи назардан, ўртача иш ҳақи кейинги йилларда Чехияда 703 АҚШ долларини, Полшада 601 АҚШ долларини, Венгрияда 520 АҚШ долларини, Россияда

395 АҚШ долларини, Қозоғистонда 250 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 2023 йилда 402,97 АҚШ долларини ташкил этган⁶.

Мамлакатда тижорат банклари кредитларининг реал секторни ривожлантиришдаги аҳамиятига баҳо берганда, банклар томонидан берилган кредитларнинг ёки банк активларининг ЯИМга нисбати ҳисобланади. Албатта,

бу борада мамлакатимизда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, хусусан кейинги беш йилда банк тизими томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредитларнинг ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан 2021 йилда 47,8 фоиздан 2023 йилга келиб 54 фоизга кўтарилди. Бу борада, нафақат кредитлар, балки жами рискка тортилган активлар ҳажмининг ортиб бориши муҳим ҳисобланади. Масалан, банкларнинг рискка тортилган активлари 2023 йилда мамлакат ЯИМдан Японияда 4 мартага, АҚШда 3,5 мартага, Хитойда 2,5 мартага кўп бўлган⁷. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг тижорат банклари активлари салмоғини ошириш масаласи долзарб вазифалардан ҳисобланиб, бу борада қатор ишларни амалга ошириш лозим. Хусусан:

миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш;

иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг рақобат- бардошлигини ошириш;

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш;

иқтисодиётда монетизация коеффициентини халқаро меъёрлар даражасини таъминлаш;

бозор механизмларини янада тўлиқроқ амалиётга жорий этиш.

Ушбу параграфнинг сўнгида таъкидлаш мумкинки, тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг халқаро тажрибаларда асосий эътибор активлар таркибида рискка тортилган активлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилади.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари самарадорлигини оширишда халқаро амалиётда қўлланилаётган ёндашувлар ва инновацион ечимлар муҳим ўрин тутди. Ривожланган банк тизимига эга мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, банк фаолиятида молиявий барқарорликни таъминлаш, даромадларни диверсификация қилиш, харажатларни режалаштириш ва бошқаришда стратегик ёндашувлар муваффақиятли самара бериши исботланди.

Хусусан, хорижий мамлакатлар тижорат банклари рақамли технологиялар, автоматлаштирилган таҳлил воситалари ва интеллектуал бошқарув механизмларини кенг жорий этиш орқали операцион харажатларни минималлаштиришга эришмоқда. Жанубий Корея ва Малайзия каби мамлакатларда эса финтех ечимлар, масофавий хизмат кўрсатиш платформалари ва рақобатбардошликни оширувчи инновациялар орқали банк даромадлари турларини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

5-Iyun, 2025-yil

Шу билан бирга, мазкур мамлакатларда банк харажатларини оптималлаштиришда фаол ва нофаол операцияларни стратегик қайта форматлаш, инсон ресурсларини қайта тайёрлаш, аутсорсинг хизматлардан оқилона фойдаланиш ҳамда яхлит риск- менежмент тизимларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тижорат банклари учун мазкур хорижий тажрибаларни миллий реалиятларга мослаштирган ҳолда жорий этиш, яъни:

- харажатлар самарадорлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- рақамли трансформация жараёнларини тезлаштириш;
- даромадлар манбаларини кенгайтиришга қаратилган маҳсулотларни диверсификация қилиш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-майдаги “2020 — 2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони. –Т.: “Халқ сўзи”, 2020.
2. Алимардонов И.М., Шомуродов Р.Т., Мажидов Ж.К. “Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш”. Дарслик. –Т.: “Ниҳол принт” ОК, 2021.
3. З.А.Холмахмадов, М.Э.Эгамова, Х.А.Худаярова. “Международное банковское дело”. Учебное пособие. –Т.: СП “Ниҳол принт”, 2021.
4. Омонов А.А., Холмаматов Ф.К. “Банк иши”. Ўқув қўлланма. –Т.: “Ниҳол принт” ОК, 2021.
5. Т.И.Бобақулов, Ў.А.Абдуллаев, Ж.Й.Исақов. “Монетар сиёсат”. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2021.
6. www.сбу.уз - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
7. www.стат.уз - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.